

Нефт махсулотларини нефт база худудидан

Етказиб бериш хақида ШАРТНОМАН[№] 28/86

Тошкентвилояти
Қибрай т-н
ҚизилШалола к.

«18» сентябр 2022 йил

Истеъмолчи (кейинги ўринларда «Истеъмолчи» деб юритилади.) номидан Низом асосида фаолият юритувчи рахбари Алимов Д.А. бир тарафдан ва «Чинобод нефт базаси» Масъулияти чекланган жамияти (кейинги ўринларда «Таъминотчи» деб юритилади) директор Муржанов С.Т. тимсолида, Низом асосида фаолият кўрсатувчи ушбу шартномани қуйидагилар хақида туздилар:

1. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР

1.1. «Таъминотчи» «Истеъмолчи»га нефт махсулотларини «Таъминотчи» нинг ресурс имкониятлари ва «Истеъмолчи»нинг талабномада курсатилган эhtiёжларига асосан тузилган ва томонлар келишилган, спецификацияга биноан етказиб беришни ўз зиммасига олади.

1.2. «Истеъмолчи» нефт махсулотлари учун «Таъминотчи» нинг ҳисоб рақамига олдиндан 100 фоиз тўловни амалга оширади.

1.3. Шартноманинг умумий суммаси Саксон икки миллион турт юз олти миң леинг сўм ташкил этади шу жумладан ҚҚС билан Бюджет маблағлари ҳисобидан 82460000 бюджетдан ташқари маблағлар ҳисобидан _____ (кераклигини тагига чизилсин). Етказиб берилган нефт махсулотлари учун тўлов, шартноманинг ажралмас қисми ҳисобланган спецификацияларга асосан амалга оширилади.

Етказиб берилиши кўзда тутилган нефт махсулотларининг турлари, уларнинг миқдори, сифати ва нархи, шунингдек етказиб бериш муддатлари мазкур шартноманинг таркибий қисми ҳисобланган иловада (спецификацияда) кўрсатилади.

Шартнома суммаси нефт махсулотларини «Таъминотчи» таъмонидан биржа савдолари орқали сотиб олиш нархлари, нефт махсулотини ташиниш билан боғлиқ темир йул харажатлари Ўзбекистон Республикаси Хукумати ва Молия Вазирлиги қарорларига асосан ўзгартирилганда ёки нефт махсулотлари таъминоти корхоналарнинг устама нархлари ўзгарганда, ёхуд нархлар бошқа объектив сабабларга кўра ўзгарганда шартноманинг умумий қиймати ўзгаради ва бу хақида шартномага ўзгариш киритиш учун қўшимча келишув битими тузилади.

2. МАХСУЛОТ ЕТКАЗИБ БЕРИШ ВА МУДДАТЛАРИ

2.1. Нефт махсулотлари «Истеъмолчи»га «Таъминотчи»нинг махсус автотранспортида белгиланган тартибда етказиб берилади. Нефт махсулотларини шунингдек «Истеъмолчи» томонидан барча ёнғин ва техника хавфсизлик талабларига риоя қилиш бўйича масъулиятни ўз зиммасига олган ҳолда ўзига тегишли ёки ижарага олинган махсус транспорт воситасида олиб кетилиши мумкин.

2.2. Нефт махсулотлари омборига нефт махсулотини ташувчи автомобил цистерналари 1510-84 Давлат стандарти талабига жавоб бериши шарт. Акс ҳолда автотранспорт воситалари нефт база омбори худудига киритилмайди ва уларга нефт махсулотларининг қуйилишига руҳсат этилмайди. Бундай автотранспорт воситаларининг бўшқетиши учун «Таъминотчи» жавобгар бўлмайди.

2.3. Нефт махсулотлари қуйилган автоцистерналар «Истеъмолчи»нинг талабига биноан «Таъминотчи»нинг ёки унинг бўлинмалари томонидан амалдаги меъёрий техник ҳужжатларга (2417-85 давлат стандартига) мос тарзда таъғаланади.

2.4. Нефт махсулотларини етказиб бериш мазкур шартномад аёки шартнома асосида берилган буютма номада кўрсатилган муддатлар ва ҳажмда, мазкур шартномада кўрсатилган давр мобайнида, ушбу шартноманинг 3.1. бандида келтирилган ҳужжатлар тақдим этилган кундан сўнга малгао ширилади. Нефтни қайтаишлаш заводларидан етказиб берилмаслиги ёки темирйўл ташкилотларининг

айби билан юзага келган нефт махсулотлари таъминотидаги узилиш ҳолатларида "Таъминотчи" томонидан "Истеъмолчи"нибухақида хабардор қилинган ҳолда томонлар етказиб беришининг бошқа муддатни ўзаро келишиб олишлари мумкин

3. ХИСОБ-КИТОБ ТАРТИБИ ВА НАРХЛАРИ

3.1. Ушбу шартнома ўзаро ҳисоб- китоблар учун асос ҳисобланади. Ҳисоб-китоблар тўлов топшириқномаси орқали амалга оширилади.

«Истеъмолчи» оладиган нефт махсулотлари учун олдиндан 100% маблағлар пул ўтказиш йули билан белгиланган тартибда мажбуриятини олади.

3.2. Ҳисоб-китоб рақамига маблағлар келиб тушгач «Таъминотчи» «Истеъмолчи» га махсулотларни етказиб беради.

4. НЕФТ МАХСУЛОТЛАРИНИ ҚАБУЛ ҚИЛИШ ТАРТИБИ.

4.1. "Таъминотчи" томонидан "Истеъмолчи"га етказиб берилган нефт махсулотлари бевосита "Истеъмолчи"нинг вакили томонидан қабул қилинади. Етказиб берилган нефт махсулотларини қабул қилиб олишда "Истеъмолчи" вакили шартномада ёки шартнома иловасида кўрсатилган миқдорда ва сифатда шартномада белгиланган талабларга, шунингдек амалдаги стандартлар, нормативлар ва йуриқномалар асосида амалга оширади.

4.2. "Истеъмолчи"нинг вакили нефт махсулотларни олаётган вақтда махсулотнинг сифати ва миқдорини жойида текшириб олади.

4.3. Эгалик ҳуқуқи, тасодифий нобуд бўлиши, нефт махсулотларига зиён етиш хавфи "Таъминотчи" корхонаси ҳудудидан чиққан вақтдан бошлаб тўлиқ "Истеъмолчи"га ўтади.

5. МАХСУЛОТ СИФАТИ

5.1. «Истеъмолчи» нефт махсулотларини олаётган вақтда жойида махсулотнинг сифат ва миқдорини текшириб олишга ҳақли. «Истеъмолчи» томонидан ўз транспортида нефт махсулотини ташиб кетиши ҳолатида, махсулотнинг сифат ва миқдор жихатидан сакланишига жавобгарлик нефт база ҳудудидан ташқарида истеъмолчи зиммасига ўтади.

5.2. Етказиб берилаётган махсулот сифати амалдаги Давлат стандарти, ТШ талабларига мос келиши ҳамда жўнатилаётган нефт махсулот учун берилаётган сифат гувоҳномасида акс эттирилади ва «Истеъмолчи» га тақдим этилади.

5.3. Махсуллаштирилган автотранспортда ташишда эса амалдаги тартиб ва йуриқномаларга мувофиқ иш юритилади.

6. ТОМОНЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ

6.1. Шартноманинг ҳар бир бажарилмаган бандлари учун томонлар моддий жавобгардир.

6.2. «Таъминотчи» «Истеъмолчи» га сифати Давлат стандарт ва техник шартларга жавоб берадиган нефт махсулотларини етказиб беришни кафолатлайди. Ҳари кки томон нефт махсулотларини етказиб бериш ва қабул қилишда амалдаги 1510 ва 2517 Давлат стандарти талаблари асосида иш юритади.

Нефт махсулотларини ҳисоб — китоби ва тарқатилиши амалдаги қонун ва меъёрлар асосида амалга оширилади.

6.3. «Истеъмолчи» нефт махсулотларини сақлашнинг техникавий шарт- шароитлари ва хавфсизлиги учун амалдаги қонунларда назарда тутилган тартибда жавоб беради.

6.4. «Истеъмолчи» томонидан унинг ҳудудига олиб келинган нефт махсулотларининг қабул қилишда амалдаги ёнғин ва техник хавфсизлиги талаб ва меъёрлари тўлиқ амал қилиниши таъминланади.

6.5. «Истеъмолчи» белгиланган муддатда олинмаган ва етказиб берилган нефт махсулотларини олишдан сабабсиз бош тортганлиги учун «Таъминотчи»га олинмаган махсулот умумий қийматининг 5 фоизи миқдорида жарима тўлайди ва таъминотчи олинмаган махсулот учун махсулотнинг тўлиқ қийматини ундириш ҳуқуқига эга.

6.6. Ушбу шартнома бирон бир шартнинг бажарилмаганлиги учун жавобгарлик белгиланмаган бўлса, у холда мазкур бажарилмаган шартлар учун жавобгарлик Ўзбекистон Республикаси фуқаролик Кодексига ва «Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тугрисида»ги қонунга биноан қўлланилади.

6.7. "Истеъмолчи" ўзининг худудига олиб келинган нефт маҳсулотларини қабул қилишда амалдаги ёнғин ва техник ҳавфсизлик талаб ва меъерларига тўлиқ амал қилинишига жавобгардир.

6.8. Томонлар ҳамда уларнинг вакиллари мазкур шартнома бўйича ўз мажбуриятларини бажариётганда Ўзбекистон Республикасининг коррупцияга қарши курашиш тўғрисидаги қонун ҳужжатларининг талабларига зид келадиган ҳар қандай ҳаракатларни амалга оширмайдилар, шу жумладан, пора беришни таклиф қилмайди, ваъда бермайди, товламачилик қилмайди, пора сифатида пул тўламайди, бевосита ёки билвосита пора олишга розилик бермайди ёки ўз хизмат мажбуриятларидан фойдаланган ҳолда пора берган шахснинг манфаатларини кўзлаб муайян ҳаракатларни содир этиши ёки содир этмаслиги шартлиги ёки мумкинлиги учун моддий кийматликлар ёки мулкий наф олмайди. Томонлар ушбу ҳаракатларга йўл қўймаслик бўйича чоралар кўрилишига кафолат беради.

6.9. Томонлар келишмовчилиги Ўзбекистон Республикасининг 1998 йил 29 августдаги «Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида» Қонунга асосан кўриб чиқилади.

7. ФОРС-МАЖОР ХОЛАТЛАР

7.1. Ҳар икки томон ҳам қуйидаги ҳолатларда мажбуриятларни бажарилмаганликда жавобгарликка тортилмайдилар;

- агарда табиий офат, сувтошқини, ёнғин, zilзила ва бошқалар оқибатида юз берса,
- нефтنيқайта ишлаш заводлари, «Ўзбекистон темир йуллари» ДАЖК айби билан, шунингдек юқори ташкилотлар томонидан етказиб бериш хажми ва муддати ўзгартирилганда, шунингдек АЁҚШлар ва нефт база фаолияти текширувчи органлар томонидан вақтинчалик тўхтатиб қўйилганда, Ўзбекистон Республикаси ҳукумати, Вазирлар Маҳкамаси ва бошқа қонунни белгиловчи ташкилотлар қарорига асосан нефтмаҳсулотларини етказиб бериш ва таъминлаш механизми ва тартибига ўзгартириш киритилган ҳолларда.

8. КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ ТАЛАБЛАР

8.1. Тарафлар шартнома тузишда, шартноманинг амал қилиш муддатида ва ушбу муддат тугаганидан сўнг, шартнома билан боғлиқ коррупциявий ҳаракатларни содир қилмасликка келишиб оладилар.

8.2. Ушбу шартноманинг ҳар бир тарафлари бир-бирига нисбатан амалдаги коррупцияга қарши кураш талаблари, шу жумладан, бу билан чекланиб қолмасдан, барча амалдаги қонун ва қоидаларга оид шартларни ва талабларни тадбиқ этилишини ифодалайди ва кафолатлайди.

8.3. Шартнома бўйича ўз мажбуриятларини бажаришда томонлар коррупцияга қарши курашиш бўйича қоидаларга, шу жумладан амалдаги қонунларга риоя этилишини таъминлайди; яъни улар, уларнинг ходимлари, аффилиланган шахслари, бенефициари ва шартномани амалга оширишдаги ҳамкорлари, пудратчилари томонидан бир-бирига ёки давлат иштирокидаги ташкилот ходимига пора бериш ёки пора беришда воситачилик қилиш, моддий ёки номоддий наф олишдан тийилиши лозим. Томонлар ушбу ҳаракатларнинг олдини олиш бўйича чора-тадбирлар қабул қилинишини кафолатлайди.

8.4. Агар бир тарафга бошқа тарафнинг коррупцияга қарши белгиланган мажбуриятларни бузилганлиги ҳолатлари ҳақида хабар берилганлиги учун уларга тайзиқ ўтказилмаслигини кафолатлайди. Коррупцияга қарши курашиш қоидалари бизилишига йўл қўйганлиги маълум бўлиб қолса, иккинчи тарафни бу ҳақда зудлик билан хабардор қилиши ва ушбу тарафдан оқилона муддат ичида тегишли чоралар кўрилишини ва амалга оширилган ишлар юзасидан унга хабардор қилишини талаб қилиши шарт.

8.5. Тарафнинг талаби бўйича иккинчи тараф томонидан қоидабузарликларни бартараф қилиш бўйича оқилона муддат ичида тегишли чоралар кўрилмаган ёки кўриб чиқиш натижалари ҳақида хабардор қилмаган тақдирда, ушбу тараф шартномани бир тарафлама тўхтатиб беришга, бекор қилишга ҳамда зарарни тўлиқ қоплаб беришни талаб қилишга ҳақли.

8.6.Шартноманинг амал қилиш муддати давомида “Истеъмолчи” (шунингдек, унинг ходимлари, директорлари ва бошқа вакиллари), “Таъминотчи”нинг коррупцияга қарши амалдаги талабларига ва Ўзбекистон Республикасининг барча қонун ва қоидаларига қатъий риоя қилади.

9. ҚЎШИМЧА ШАРТЛАР

9.1.Қўшимча шартлар

10. НИЗОЛАРНИ КУРИБ ЧИКИШ ВА ШАРТНОМАНИНГ АМАЛДА БЎЛИШИНИ ТЎХТАТИШ ТАРТИБИ

10.1. Мазкур шартнома киритилган ҳар қандай ўзгартириш ва қўшимчалар ёзма равишда бўлиб, ҳар иккала томон имзолагандан кейингина ҳақиқий ҳисобланади.

10.2. Мазкур шартноманинг бажарилишида юзага келадиган ҳар қандай тортишув келишмовчиликлар иккала томоннинг ўзаро музокараси йўли билан ҳал этилади. Иккала томон мустақил ҳал эта олмайдиган баъзи масалалар белгиланган тартибда иктисодий судларида ҳал этилади.

10.3.Мазкур шартнома 2 нусхада тузилди ва тенг ҳуқуқий кучга эга.

10.4. Шартнома томонлар ўртасида имзоланган ва агар “Истеъмолчи” бюджет ташкилоти бўлса, бунга қўшимча равишда Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг ҳудудий газначилигидан рўйхатдан ўтган кундан бошлаб кучга киради ва 2022 йил 31 декабргача амал қилади.

ТОМОНЛАРНИНГ ЮРИДИК МАНЗИЛИ

«ТАЪМИНОТЧИ»

«Чинободнефтбазаси» МЧЖ
111212 Кибрайтумани, «Кизил шалола» киш
МФО 01115 Шайхонтахур ф-л OFB
х/р 20210000200190664001
ИНН 200605317 ОКОНХ 71150

Директор:  Муржанов С.Т.

«ИСТЕЪМОЛЧИ»

РНЦЭМП
100115 г.Ташкент, Чиланзарский район, ул.Кичик халка йули, 2
Казначейство Мин. Фин. РУз
P/c: 2340 2000 3001 0000 4010
Банк РКЦ ГУЦБ РУз г.Ташкент ИНН: 204422010
Операционное Управление Казначейство
Министерства Финансов РУз
И/с: 100010860262997073102059009
ИНН: 200794313 МФО: 000014 ОКЭН: 70100
Тел: 277-97-46 Факс: 150-40

Директор:  Аминов Д.А.

ХУЛОСА

Ушбу шартномани нефт махсулотлари етказиб бериш ҳақидаги умумий қоидалар 437-456 моддалари ва Ўзбекистон Республикасининг 29.08.1998 йилдаги «Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисидаги» Қонуннинг 5-бўлим 31,32, 34-моддаларининг талабларига жавоб беради.

Мутахассис-ҳуқуқшунос

Кўриб чиқилди
Адвокат-ҳарист
ЗИЯЕВА ХАДИЯ ХИЖМАТОВНА
(лицензия сарғилик Т.010112
Ўзбекистон Республикаси Адаволатлик
телефони 2018 йил 23-декабрь куни берилган)

Нефт махсулотларини етказиб бериш тугрисида 2022 йил

" 18 " январ да тузилган 28/86 сонли шартноманинг


СПЕЦИФИКАЦИЯ

Махсулот номи	Улчов бирлиги	Йиллик миқдор	Шу жумладан чораклар буйича				нархи	Умумий киймати
			I	II	III	IV		
Бензин АЦ 91	л		7000				11780	82460000

Изох : Шартнома муддати ичида махсулот нархи ва миқдори узгариши мумкин.

«ТАЪМИНОТЧИ»

Чинобод нефт базаси" МЧЖ
Шайхантохурский филиал
ЧАКБ "ORIENT FINANS"
ИНН 200605317 МФО 01115
ОКЭД 46710



Директор: Муржанов С.Т

"Истеъмолчи"

РНЦЭМП
 100115 г.Ташкент, Чиланзарский район, ул.Кичик халка й
 Казначейство Мин. Фин. РУз
 Т/с: 2340 2000 3001 0000 1
 ИНН
 МФО
 Банк РНЦ ГУДБ РУз г.Ташкент ИНН. 2011
 Операционное Управление Казначейств...
 Министерства Финансов РУз
 № 1000108602662947073102054001
 X/P ИНН:200794313 МФО:00014 ОКЭД:
 Тел.: 277-97-46 Факс: 150-46-



Директор:

Алимов Д.А.